

ФУҚАРОЛАРГА ID-КАРТА ВА ХОРИЖГА ЧИҚИШ БИОМЕТРИК ПАСПОРТИНИ БЕРИШ ДХМ ОРҚАЛИ ҲАМ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

2022 йил 1 январдан

Манба: ПФ-6269-сон, 24.07.2021 й. @huquqiyaxborot



Ўзбекистон фуқароси, Ўзбекистонда доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг **идентификация ID-картаси** ҳамда **Ўзбекистон фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини** расмийлаштириш ва бериш давлат хизматлари марказлари орқали ҳам амалга оширилади

2022 йил 1 январдан



Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари томонидан аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлардан **қуйидагиларни талаб қилиш бекор қилинади:**

Фактларни тасдиқловчи маълумотларни:



тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома маълумотларини



олий маълумот тўғрисидаги диплом маълумотларини



лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома мавжудлиги бўйича маълумотларни



жисмоний шахс **ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги** ҳақида маълумотларни



давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганлиги тўғрисида маълумотларни



жисмоний шахс **умумий ўрта таълим** (11-синф негизда) **муассасасини тугатганлиги** ҳақида маълумотларни



қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операциялар, дивидендлар олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни



фуқаро **“Ёшлар дафтари”** ёки **“Аёллар дафтари”**да мавжудлиги тўғрисида маълумотларни



кам таъминланган оила ёки оила аъзоси сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотларни



ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисида маълумотларни



жисмоний шахслар томонидан тўланган ва олинган **алиментлар** тўғрисида маълумотларни



ОТМга ўқишга кириш учун имтиёзга эга бўлган **абитуриентларнинг имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат** тўғрисида маълумотларни

Қуйидаги ҳужжатларни:



молиявий хисоботлар нусхаларини



жисмоний шахсларнинг **охирги 12 ойдаги иш ҳақини тасдиқловчи** маълумотномаларни



ижтимоий нафақа ва пенсиялар тўланганлиги тўғрисидаги маълумотномаларни.



Бунда, ушбу ҳужжат ва маълумотлар тегишли масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда **“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали** сўраб олинади.